



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кuni мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони генерал Женсон Бойлз ва АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлини қабул қилди.

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қўллар экан, жорий йил май ойида АҚШга расмий ташриф давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашув ва музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликда янги даврни бошлаб бергани ва уни аниқ мазмун билан беваттанини алоҳида таъкидлади.

Бугун кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиётгани ва мустақамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция, фан ва техника, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Миллий гвардияси ва тегишли идораларининг Миссисипи штати Миллий гвардияси билан, жумладан, жамоат тартибини таъминлаш ва фақуллодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш соҳасида тажриба алмашиш, тренинг ва тадбирлар ўтказиш борасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Парламентларо алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, Миссисипи штатининг етакчи корхоналари ва компаниялари билан савдо ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларида шерикликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Генерал Ж.Бойлз ва конгрессмен Т.Келли давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир аниқ ташаббуслари учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмонлар мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги босқичда амалга оширилаётган, барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислохот ва ўзгаришларни юксак баҳоладилар. Самарали парламентларо ва идораларо мулоқотларни давом эттириш, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш ишларини фаоллаштиришга тайёрлик билдирди.

АҚШ делегацияси аъзолари Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кенг қўламли амалий шерикликни янада мустақамлаш учун барча саъй-ҳаракатларини ишга солишни таъкидлади.

Ў.А.

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 19 сентябрь кuni Кристиан Дан Прета бошчилигидаги Европа парламенти Ташқи ишлар қўмитаси делегацияси билан учрашув бўлди.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси А.Курманов меҳмонларни Халқаро стратегияни доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билан таништирди. Давлат қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мустақамлаш борасида парламент ролини янада ошириш бўйича изчил ишлар қилинаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон барча йўналишда, хусусан, ташқи сийosat соҳасида ҳам ўзаро манфаат асосланган позициясини намоён этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий, сийосий, маданий-гуманитар жабҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда.

Учрашувда парламентларо алоқалар истиқболлари, ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Европа иттифоқи Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик бўйича янги стратегияни амалга оширишдан манфаатдор экани таъкидланди. Европа иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни жадал ривожлантириш нафақат ЕИ мамлакатлари ва Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари манфаатларига ҳам жавоб беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида делегация аъзолари билан кенг учрашувда мавжуд алоқаларни янада мустақамлаш, ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш диққат марказида бўлди.

Марказий Осиё минтақаси учун долзарб бўлган Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммага эътибор қаратилди. Юқори мартабали меҳмонлар экологик фоҳиа оқибатларини камайтириш борасида Ўзбекистон томонидан амалий чоралар қўрилаётганини эътироф этди.

Европарламент аъзолари Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала томон манфаатларига мос келишини, уни янада ривожлантиришда хали ишга солинмаган имкониятлардан тўла фойдаланиш бирдек манфаат келтиришини қайд этди.

Мулоқот давомида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 19 СЕНТЯБРЬ КUNI АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, СОҲАНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.

— Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожини барча соҳалар тараққиётини таъминлайди, одамларга қулайлик яратади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Йил бошида ушбу муҳим соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган берилган қўлаб-қўлланма вазибалар ижроси тўлиқ таъминланмади. Тармоққа инвестиция жалб этиш, хизматлар ва тайёр дастурий маҳсулотларни экспорт қилиш аҳоли бизни умуман қониқтирмайди.

Шунинг учун вазирилик раҳбариятини ўзгартиришга мажбур бўлди. Янги вазири ва унинг ўринбосарлари бундан тегишли хулоса қилиб, ўз ишларини мутлақо янги тарзда ташкил этишлари лозим. Мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, жалб этилаётган инвестициялар ва экспорт ҳажминини кескин кўпайтириш, энг муҳими, қисқа даврда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш керак, деди Президентимиз.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Президент ҳузуридаги йиғилишларда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш қандай бораётгани таҳлил қилинди. Соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазибалар белгиланган бўлиши таъкидланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўғридан-тўғри сармоялар иштирокидаги лойиҳалар улушини ошириш зарурлиги таъкидланди. Жорий йилда камидан 200 миллион доллар, 2019 йилда эса инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри сармоялар ҳажмини 500 миллион долларга етказиш вазибаси қўйилди.

«Ўзбектелеком» компаниясининг нуфузини ошириш, «Ўзобайл» миллий мобил алоқа операторини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳада хизматларни экспорт қилиш етарли эмаслиги, бу кўрсаткични кескин ошириш, энг аввало, дастурий таъминот яратиш ва экспортни кўпайтириш кераклиги таъкидланди.

Телефон ва интернет фойдаланувчиларига кўрсатилаётган хизматлар сифати пастлиги, мавжуд алоқа тармоқларининг атиги 27 фоизи оптик толали, қолгани мис симли линиялардан иборат экани танқид қилинди. Интернет тармоғига уланиш тезлигини ошириш, алоқа тармоқларини тўлиқ оптик толага алмаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

«Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари кўрсатишни кескин яхшилаш бўйича вазибалар белгиланган бўлиши. Почта алоқаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот хавфсизлигини мустақамлаш масаласига эътибор қаратилди.

Соҳада кадрлар танқислиги сезилаётгани, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида илмий салоҳиятга эга педагоглар бор-йўғи 21 фоизни ташкил этиши қайд қилинди. Шу боис университетда ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва илмий-тадқиқот ишлари қўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда, мамлакатимизда ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 5 йиллик миллий дастурни ишлаб чиқиш вазибаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усуллари хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишонч ошди. Шу билан бирга, эришилган ютуқларга қарамай, тўлов тизимларини ривожлантириш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун замонавий технологик ечимларни жорий қилиш борасида қатор камчиликлар мавжуд.

Хусусан, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига эришиш имконини бермаётгани ҳамда бир монопол тизимнинг мутлақ устун бўлишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, тўлов тизимлари операторларининг фаолияти қонунчилик даражасида тартибга солинмаганлиги уларнинг ривожланишини чекламоқда ва мазкур тизимларнинг ишончли ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Давоми 2-бетда. ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва мuddатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

Биринчидан, аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик тегишаривига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда;

Иккинчидан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;

Давоми 2-бетда. ▶

ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ МАЪМУРИЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 19 сентябрь кuni «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар темир йўллари маъмуриятлари раҳбарларининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари — Ҳиндистон Республикаси Темир йўллар вазирининг Темир йўллар кенгаши аъзоси Гириш Пиллай, «Қозғистон темир йўллари» Миллий компанияси бошқаруви раиси Канат Алписбаев, «Қирғизистон темир йўллари» Миллий компанияси давлат корхонаси бош директори ўринбосари Руслан Бектемиров, Хитой Халқ Республикаси темир йўллари давлат бошқаруви бошлигининг ўринбосари Лю Кэцян, «Покистон темир йўллари» раиси Муҳаммад Жавад Анвар, Россия Федерацияси темир йўллари оч-иқтидорлик жамияти бош директори — бошқаруви раиси Олег Белозёров, «Тожикистон темир йўллари» давлат унитар корхонаси бошлиги Комил Мирзоали иштирок этди.

Шунингдек, мажлисда ШХТда кузатувчи давлатлар — Афғонистон Исломи Республикаси, Беларус Республикаси ва Монғолия Республикаси темир йўл ташкилотлари раҳбар ва мутасаддилари, ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори — Озарбайжон Республикаси темир йўллари раиси ҳамда ШХТ Бош қотиби ўринбосари Се Сяюн қатнашди.

ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг мазкур янги форматига Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шу йил июнь ойида Хитойнинг Циндао шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувида асос солинди.

Давоми 2-бетда. ▶



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТЕРРОРИСТИК, ЭКСТРЕМИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТ ВА ГУРУХЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга, шунингдек, ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи гуруҳлар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18 мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзига қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёديга иш билан таъминлаш, ижтимоий қўлаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаётган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини бериш мақсадида, шунингдек, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда:

1. **Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идораларо комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб қоритилади)** иловага мувофиқ таркибга тузилсин.

2. **2018 йил 1 ноябрдан шундай тартиб ўрнатилсинки**, унга қўра:

террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар (кейинги ўринларда — тақиқланган ташкилотлар) таркибига адашиб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Комиссия хулосасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилади;

Комиссия томонидан салбий хулоса чиқарилган тақдирда барча ҳолатлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

3. **Белгиланган қўйилсинки**, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги ҳолларда, ушбу Фармонга мувофиқ, **жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин:**

айбини бўйича олиш тўғрисида шахсан арз қилиб келса, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва тузалиш йўлига ўтган бўлса;

жиноий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишларни фош этишда фаол ёрдам берган бўлса;

тақиқланган ташкилотлар сафига алдов йўли билан жалб этилган бўлса;

тақиқланган ташкилотларнинг гоъвий ёки маънавий раҳнамоси бўлмаган бўлса;

жанговар ҳаракатларда ва кўпурвчилик ҳаракатларини содир этишда иштирок этмаган бўлса;

террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган бўлса;

террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида чиқиш ёки ҳаракатланиши амалга оширмаган бўлса;

халқаро терроризмни молиялаштиришда иштирок этмаган бўлса;

Давоми 2-бетда. ▶

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

НОТАРИАТ ТИЗИМИ:

ИСЛОҲОТЛАРДАН НИМАЛАР КУТИЛЯПТИ?

Мазкур тизимда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Бунёд Эшонқулвнинг мулоҳазалари куйидагича бўлди:

— 2017 йил 27 февралда давлат нотариал идоралари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан давлат хизматлари кўрсатишни назарда тутувчи «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилди.

Яқин кунларга аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматлар сифатининг пастлиги, нотариал идоралардаги узундан-узун навбатлар, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундиришнинг шаффоф эмаслиги ҳақиқиётларга сабаб бўлаётгани. Мавжуд бюрократик тўсиқлар аҳолининг мазкур тизимга бўлган ишончининг пасайишига олиб келди. Шунингдек, коррупция ҳолатларининг кўпайишига имкон яратиб, жиддий муаммоларни келтириб чиқаргани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Демак, соҳани тубдан ислоҳ қилиш, янги, соғлом фикрга эга кадрлар билан бойитишни даврнинг ўзи тақозо қилди ва бу борада изчил чора-тадбирлар йўлга қўйилди.

Аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари қайта кўриб чиқилиб, қонунчилик базаси тақомиллаштирилди. Халқимиз манфаатига мос, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга қулайлик яратишга хизмат қиладиган, шаффоф тартиб-таомиллар ўрнатилди. Вақт ўтиб борар экан, ҳар қандай жабҳага янгилик киритилиб, қулай-

ҲУЖЖАТДА КЎЧМАС МУЛК ИЖАРАСИ ВА ТЕКИН ФЙДАЛАНИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАШНИ БЕКОР ҚИЛИШ, КЎЧМАС МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ БИТИМЛАРНИ РЕСПУБЛИКАДАГИ ИСТАЛГАН НОТАРИАЛ ИДОРАДА РАСМИЙЛАШТИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

ликлар қўламини ошириб бориш талаб этилади.

Мисол учун, ўтган йили «Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги низоом ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан алмашинадиган маълумотлар рўйхати тасдиқланди. Адлия вазирининг 2017 йил 5 апрелдаги буйруғига асосан «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Натижада йўриқнома «Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда тасдиқлаш» деб номланган 21-параграф билан тўлдирилди. Бунинг ўзи ҳам муаммоларнинг тўлиқ ечими учун етарли эмасди.

Президентимизнинг 2018 йил 25 майдаги «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Нотариат институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Лойиҳада бир қатор муҳим жиҳатлар ўз аксини топган. Жумладан, **ҳужжатда кўчмас мулк ижараси ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бекоР қилиш, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни республикадаги исталган**

нотариал идорада расмийлаштириш назарда тутилган. Жисмоний ва юридик шахслар нотариал тасдиқланадиган битим лойиҳасини мустақил тайёрлаганда, ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод этилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг нотариал идораларга электрон мурожаат қилиш тартиби белгиланмоқда.

Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишга тақиқ қўйиш ва уни бекоР қилиш нотариал ҳаракати ҳамда унга алоҳида давлат божи тўланиши нормаси ҳам чиқариб ташланди. Шунингдек, қонунда юридик шахсларнинг ваколатли бошқарув органи мурожаатига қўра, унинг коллегияли органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлаш белгиланмоқда. Нотариус лавозимига номзодларнинг амалиёт ўташ тартиби, айрим турдаги битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни имзолаш жараёнини мажбурий аудио ҳамда видео ёзувида қайд этиш ҳақида меъёрлар ўрин олган. Яъни, бунда имконияти чекланган шахслар учун қулайлик яратиш масаласи қамраб олинган. Лойиҳага нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва уларни ротация қилиш ҳамда бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши келгусида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг ролини оширади. Нотариал хизматларнинг самарали, шаффоф тизимини яратишга ҳамда соҳани ҳалол, юқори маъракали мутахассислар билан тўлдирishга кўмаклашадди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Партияни ҳаракатга келтирувчи куч, унинг асосий пойдевори, шубҳасиз бошланғич партия ташкилотидир. Шу боис БПТларни керакли адабиётлар билан бойитиб бориш, етакчиларнинг сиёсий билимини ошириш партия дастури ва мақсадига хайрихоҳлар сони ортини ҳамда унинг жамиятдаги нуфузи мустаҳкамланишига хизмат қилади.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Жорий йилнинг июль ойида ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Акмал Турсунбоев Навоий вилоятида хизмат сафарига бўлиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини танқидий таҳлил қилган эди.

Фаолиятини қониқарсиз ташкил этган айрим туман(шаҳар) партия ташкилотлари етакчилари оғоҳлантирилиб, уларга амалий тавсиялар ҳам берилди.

Орадан икки ой вақт ўтди. Ҳўш, бошланғич партия ташкилотларида ўзгариш бўлдими?

Мазкур саволга жавоб олиш мақсадида ЎзХДП Навоий вилояти кенгаши Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Муборак Маҳмудовага мурожаат қилди.

— Бугунги кунда Навоий вилоят партия кенгаши тасарруфида 22108 нафар аъзони бирлаштирган 457 бошланғич ташкилот фаолият олиб бормоқда, — деди у. — Биз партия Марказий Кенгаши томонидан берилган тавсия асосида мазкур БПТлар фаолиятини тубдан тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширдик. Дастлаб, ҳаракатларни етакчилар билан партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан бошладик. Уларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида «Партия ходимларида лидерлик хислатларини ривожлантириш технологиялари», «Нотиклининг психологик асослари» мавзусида олимлар ва сиёсатчиларни жалб этган ҳолда сиёсий ўқув машғулотлари ўтказилди.

Шу вақтга қадар айрим қуйи бўғинларда иш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани рост. Масалан, Конимех тумани «Шўртепа» МФЙдаги қониқарсиз фаолият юристаётган БПТ фаолияти қайта кўриб чиқилди ва тарғибот воситалари билан таъминланди. Конимех туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлимда янги бошланғич ташкилот ташкил қилинди.

Хатирчи туманидаги айрим таянч ташкилотлар фаолияти бугунги кун талабига мос эмаслиги танқидий муҳокама қилиниб, ижрочи котиб вазифасидан озод этилган эди. Шундан сўнг вазиятни ўнлаш мақсадида вилоятда ишчи гуруҳ ташкил этилиб, қуйи бўғинларга амалий ёрдам кўрсатилди. 10 дан ортқ корхонада янги бошланғич ташкилотлар очилди.

Бундан ташқари, вилоят кенгаши тавсияси билан туман(шаҳар) кенгашларида ҳар ойда фаолияти қониқарсиз бўлган бошланғич ташкилотлардан камида иккитасининг фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш ҳамда ҳар чоракда камида битта бошланғич ташкилот ташкил этиш чоралари белгилаб олинди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Илҳом САТТОРОВ ёзиб олди.

ШУ ВАҚТГА ҚАДАР АЙРИМ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА ИШ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛГАН РОСТ. МАСАЛАН, КОНИМЕХ ТУМАНИ «ШЎРТЕПА» МФЙДАГИ ҚОНИҚАРСIZ ФАОЛИЯТ ЮРИСТАЎТГАН БПТ ФАОЛИЯТИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАРҒИБОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. КОНИМЕХ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ БЎЛИМДА ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

ЎЗБЕКISTON ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши Булоқбоши туманида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар ўтказди. Унда туманнинг Тинчлик, Учтепа, Зарғалдок, Ширмонбулоқ, Навоий, Қакир маҳаллаларидаги БПТ етакчилари, дин уламолари ҳамда ёшлар иштирок этди.

«Менинг маҳалламда жиноят бўлмайди»

Булоқбоши туман партия кенгаши раиси Сирожиiddин Йўлдошев фарзанд тарбиясида оиланинг, жамоатчиликнинг роли ҳақида сўз юритди. Мафқуравий иммунитетни кучли ёшлар ўз фикри ва нуқтаи-назарига эга бўлишини таъкидлади.

Туман ИИБ ходими Алишер Тоиров туманда содир этилган жиноятлар тўғрисида маълумот берди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда маҳалла ва ота-оналарнинг оғоҳлиги муҳим эканини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, вилоят партия кенгаши бўлим мудири Ёқутхон Мўминова, туман ҳокимининг ўринбосари Ихтиёр Туманов, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнора Худойбердиева ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидландики, жиноятчиликнинг олдини олиш учун аҳолида ҳуқуқий саводхонликни шакллантириш керак. Бунда мутасадди ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳим аҳамият касб этади. Аввало, эскича ишлаш тизимидан бутунлай воз кечиш зарур. Чунки жиноят битта бўлса ҳам кўп саналади.

Тадбирда чора-тадбирлар таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди, тавсиялар ишлаб чиқилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Шерали АБДУРАИМОВ, Ўзбекистон ХДП Булоқбоши туман кенгаши ижрочи котиби.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ҲАЛ ЭТИЛМАГАН КИЧИК МАСАЛАЛАР

жиддий муаммоларни келтириб чиқаради



Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Тошкент шаҳар кўзи ожизлар жамияти билан ҳамкорликда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» лойиҳаси доирасида хайрия тадбири ўтказди.

— Тадбирлар натижа кўрсатиши билан аҳамиятга эга, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти Соҳиб Мелибоев. — Ўзбекистон ХДПнинг ноғиронлиги бўлган инсонлар манфаатини қўлаб амалга ошираётган қўлаб лойиҳаларидан хабардорман. Бундай амалий ишлар партиянинг гоёлари қўлаб-қувватланишига, сиёсий кучнинг халқ ўртасида нуфузи янада ошишига олиб келади.

Мен бахтсиз ҳодиса туфайли тўрт ёшимда кўриш қобилиятидан маҳрум бўлганман. Яқинларим қўлаб-қувватлаши натижасида оёққа турдим. Асли жиззахликман. Мана, ҳозир нуфузли олийоҳ магистрантман.

Тадбирда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов сўзга чиқиб, партия томонидан ноғиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самардорлигини ошириш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, кўнглини кўтариш зарур эканини таъкидлади.

— Китоб яқин дўстим, — дейди Кўзи ожизлар жамияти қошидаги босмаҳона ходими Хайрулло Саидов. — Урта Осиева ягона бўлган кўзи ожизлар жамияти қошидаги босмаҳонада ишлайман. Очигини айтсам, шу вақтга қадар асбоб-ускуналарнинг эскиргани боис кўзи ожизлар учун дарслик тайёрлашда жуда оқсардик. Ҳозирги кунда барча соҳалар сингари босмаҳона

нада ҳам кўпгина ўзгаришлар амалга оширилиб, инновациялар жорий этилмоқда. Янги махсус ускуналар, иккита замонавий принтер олиб келинди. Энди кўзи ожизлар учун расмли дарсликлар яратиш имконига эга бўлди.

Яқин келажакда брайль алифбосига асосланган харита ишлаб чиқаришни режалаштирялми.

Кейинги сўхбатдошимиз Кўзи ожизлар жамияти ташкилий-ижтимоий бўлими етакчи мутахассиси Улўбек Маматхонов бўлди.

— Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади, — дейди у. — Бу борада Ўзбекистон Ноғиронлар ва Кўзи ожизлар жамиятлари Ўзбекистон ХДП билан ҳамкорликда чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиққан. Дастур доирасида амалий ишлар қилинмоқда. Аммо бутун ҳаёт биздан бир жойда котиб қолмасликни, тинимсиз янгиликлар қилиши, инновациялар жорий этиши талаб этмоқда. Шундай экан, кўзи ожиз инсонларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам мана шу жиҳатларни эътиборга олиш керак, деб уйлайман.

Масалан, ривожланган мамлакатларда кўзи ожиз инсонлар тез тиббий ёрдам ва алоқа компанияларида операторлик вазифасида самарали ишлайди. Ёки дубляжда овоз бериш, уқаловчи тиббиёт ходими вазифалари ҳам яхши ривожланган. Чунки уларнинг қўллари чакқон, овоз ўзгариши олиш қобилиятига эгалари ҳам талайгина. Уйлайманки, кўзи ожиз инсонларни янги касбларга ўргатиш орқали уларнинг бандлигини самарали таъминлаган бўлаемиз.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси фаолият юртишидан кўпчиликнинг хабари бор. У 1951 йилда шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси сифатида ташкил этилиб, 1966 йилдан ҳозирги мақом берилган. Шундан буён

Ривожланган мамлакатларда кўзи ожиз инсонлар тез тиббий ёрдам ва алоқа компанияларида операторлик вазифасида самарали ишлайди. Ёки дубляжда овоз бериш, уқаловчи тиббиёт ходими вазифалари ҳам яхши ривожланган. Чунки уларнинг қўллари чакқон, овоз ўзгариши олиш қобилиятига эгалари ҳам талайгина. Уйлайманки, кўзи ожиз инсонларни янги касбларга ўргатиш орқали уларнинг бандлигини самарали таъминлаган бўлаемиз.

кутубхона кўриш қобилияти чекланган фуқароларга хизмат кўрсатиш бўйича методик ва мувофиқлаштириш маркази ҳисобланади. Аммо бугунги кунда кутубхонада замонавий брайль алифбосидаги адабиётлар етишмайди. Республика миқёсидаги кутубхона яқинидаги бекатда кўзи ожизлар учун бардёр, биносиде эса пандус мавжуд эмас. Мана шундай кичик масалалар ҳам биз каби инсонларга ноқулайликлар туғдиради. Кутубхона фаолияти бир неча ташкилот ва идоралар томонидан «йўл харитаси»га биноан ўрганиляпти.

Улўбек Маматхоновнинг сўзларини эшитган ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова ба масалани атрофлича ўрганиб чиқишини билдирди.

— Ноғиронлиги бўлган шахсларни қўлаб-қувватлаш, турмуш даражасини янада яхшилашга кўмаклашиш мақсадида хонадонларга бориб, уларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишялми, — деди у. — Электратимиз вакилларини уйлантираётган қўлаб масалалар ўрганиляпти. Албатта, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларини қўлаб, бир неча бор партия гуруҳлари, доимий комиссия ва сессияларда масалалар кўриб чиқилди. Бироқ сессия қарорлари ижроси доим ҳам тўлиқ таъминланмапти. Депутатлик назорати олиб бориш бўйича ҳам сусткашликларга йўл қўйилмоқда.

Тадбир ниҳоясига етди. Иштирокчиларнинг фикрига қўра, улар ўз саволларига атрофлича жавоб олишган.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Каттакўрғон туманида ўзгаришлар катта

Бугунги кунда Каттакўрғон туманидаги 11 ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тайёрланган маҳсулотларга хорижий шериклар харидор бўлмоқда. Мазкур корхоналар томонидан йил бошидан буён 4 миллион 988 минг АҚШ доллари миқдоридега экспорт амалга оширилди. Эътиборлиси, ушбу корхоналардан тўрттасининг жорий йил май ойидан фаолият кўрсата бошлагани ва уларнинг экспортдаги улуши 3 миллион 500 минг АҚШ долларни ташкил этаётганидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда аҳоли бандлигига кўмаклашди давлат дастури ва бошқа манбаларга кўра 5300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1300 нафардан ортиқ ишчи фуқаро ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди, демократик Ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилган. Жумладан, 2018 йилнинг ўтган даврида 16 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадаллар тўлаб берилди. 70 нафар фуқаро маийш техникалар билан атайин келтирилди. Ушбу маълумотлар ортда юзлаб каттакўрғонликларнинг қувонч ва озуларни ушлаётганини кўради. Минглаб иш ўринлари туфайли оилалар мустақамланганини, турмуш шароитлари яхшиланганини ангаймиз.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган янги тизим — «Обод қишлоқ» дастури буйича бошланган ишлар туманимиз аҳолисининг кайфиятини кўтариб, ҳаётга муносабатини ўзгаришмоқда, уларни бунёдкорликка чорламоқда, — дейди туман ҳокими **Аъзамхон Бахромо**. — Биринчи гада муаммоларни кўп, шароити оғир қишлоқларни танлаб,

уларни намунали масканга айлантиришни мақсад қилиб олганмиз. Бунда ҳудуд буйича тегишли соҳа мутахассислари, аҳоли тақлифлари, фикр-мулоҳазалари эътиборга олинапти. Туманимизда дастлаб Каттақўрғон ва Қорақўлча қишлоқларидаги мавжуд ижтимоий соҳа объектлари реконструкция қилинди. Тиббиёт муассасалари замонавий лаборатория ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбиркорларимиз Каттақўрғон ва Қорақўлчада аҳолига ўнга яқин сервис хизмат тизими ташкил этадиган бўлишди. Ҳаммом ва бошқа турдаги маийш хизмат тизимини бунёд этишда ҳам улар фаол иштирок этиш истагини билдиришди. Бундай ҳаракатлари билан улар замонавий гўшага айланаётган қишлоқларда ўз бизнесларини йўлга қўйишди, янги иш ўринлари яратишди.

Дастур доирасида ушбу ҳудудларда амалга оширилиши назарда тутилган ишларга барча манбалар ҳисобидан Каттақўрғон қишлоғига 7424,83 миллион сўм, Қорақўлча қишлоғига 9136 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Мазкур ҳудудда яшайдиган аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида қилинадиган ишлар режаси ҳам дастурда алоҳида кўрсатилган. Аввало, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қурилиш материаллари тайёрлаш ҳажми оширилди, шу билан бирга улар сифатида эътибор қаратилади. Цемент,

металл прокати, гишт, том ёпғич материаллари, темир-бетон буюмлари, эшик, дераза ромлари, лак-бўёқ каби қурилиш материаллари ва жиҳозлари қишлоқларнинг ўзида ташкил этиладиган маҳсул дўконлар орқали аҳолига етказиб берилади. Ҳар икки қишлоқ атрофларини ободлаштириш, замонавий спорт майдончалари қуриш ишлари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Каттақўрғон қишлоғида 475 хонадонда 2715 нафар, Қорақўлчада 521 хонадонда 3762 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қабул қилинган дастурга кўра, Каттақўрғон қишлоғида 215 ва Қорақўлчада 278 уй-жойларнинг таъмирланиши белгиланган эди. Бу жараёнда уларнинг ташқи кўринишининг замонавийлигига, ён-атрофларини ободлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди. 14 километрик асосий ва ички йўللари таъмирлаш, лифталар йўлакларини барпо этиш, янги йўлаклар қуриш, йўллари ёритиш учун чироқлар ўрнатиш, электр ва газ таъминотини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби юмушларни қисқа муддатларда сифатли амалга ошириш режалаштирилди.

Шунингдек, қишлоқлар ва туман маркази орасида транспорт қатновини йўлга қўйиш ва битта янги бекат барпо этиш зарурлиги ҳисобга олинди. Бу муаммонинг қисқа муддатда ҳал этилиши аҳоли учун яна бир қулайликдир.

Мавжуд муаммоларни аниқлаш асосида ҳар икки қишлоқда ҳам ишга жиддий киришилди. Жадаллик билан бошланган бунёдкорликларда маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари бош-қош бўлишарди. Айни пайтгача булоқда обод қишлоқларда аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзида ижобий ўзгаришларни таъминлашга қаратилган вази-фаларнинг бир қисми амалда бажарилди. Каттақўрғон қишлоғида боча, мактаб, оилавий поликлиника бинолари капитал таъмирланмоқда. Қорақўлчада бир боча давлат дастури асосида, яна икки боча хусусий шерикчиликда барпо этиляпти.

Аҳолининг уюшқоқлиги, аҳиллиги натижасида қисқа вақтда қишлоқлар қиёфаси замонавийлашди, уларда янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг кам таъминланган қатламини, ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилди. Бундай ҳаракатлар асло тўхтаб қолмайди. Туман ҳокимлиги томонидан келгуси йилдан бошлаб йўлга утқандан қишлоқда ана шундай бунёдкорлик ишлари олиб борилади.

— Каттакўрғонда ўзгаришлар катта, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси, тумандаги 20-умумтаълим мактаби директори, ЎзХДП фаоли Зайнаб**



Янги пойтахтлар тақдими

Бердиева. — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловди Дастурида бандлик ва янги иш ўринлари ташкил этишда фаоллик кўрсатиш, жойларда товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш буйича ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ташаббуси илгари сурилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда аҳоли зич жойлашган ҳудудларда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш эвазига янги иш ўринлари яратиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳаракатлар партияимиз электорати манфаатларига хизмат қилади, албатта.

— Президентимизнинг мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга доир фармони қабул қилинган, мамлакатимизда ушбу соҳага эътибор ҳар қачонгидан кўчади, — дейди **туман мактабгача таълим бўлими раҳбари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фарида Ҳамдамова.** — Ҳозирги кунда туманимизда 44 мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Жорий йилнинг ўзида тумандаги 11 филиалга юридик маком берилди. Ўтган йили ИТМлардаги болалар 4274 нафарни ташкил этар эди. Ҳозирда 201 асосий, 28 қисқа муддатли гуруҳларда 5170 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Каттақўрғондаги 100 ўринли 4-мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ишлари бошлаб борилади. Бунинг учун 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилди. Туриси, 1983 йилда қурилган бу бочамизнинг аҳоли анча ночор эди. Болажонлар таълим-тарбияси учун шарт-шароитлар йўқ ҳисоби эди. Тадбиркор Одилжон Қаноатов ўз маблағи ҳисобидан Қорақўлча қишлоғида 50 ўринли замонавий ИТМ барпо этишга киришди. Шу қишлоқ фуқароси, меҳнат фахрийси Раҳим Эшонкулов ҳам ўзига тегишли бўлган ерда янги нодавлат таълим муассасаси учун пойдевор қўйди.

«Обод қишлоқ» дастури асосида обод бўлаётган Каттақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Илҳом Шарипов** маҳалланинг бугунги қайноқ ҳаёти ҳақида шундай фикр юритади:

— Бугун бутун Каттақўрғон қишлоғи катта қурилиш майдонига айланган. Қишлоқдошларимиз ўз уйи ва атрофини ободлаштиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Қишлоқларига эътибор қаратилганидан, энди аввалгидек эски, пастқам уйларида эмас, замонавий уйларида ҳаёт кечириш даври келганини англаб, кўчларига куч, гайратларига гайрат қўшилмоқда. Қишлоқдаги мактаб, шифохона, бочанинг мукамал таъмирланаётганидан, йўлларнинг текисланаётгани, электр, газ таъминотидаги ўзгаришлардан ҳар бир фуқаронинг кайфияти кўтарилган. Асосийси, барча-барчанинг онгу-шуурида ўзгариш сезилляпти.

Машгулоти асосан деҳқончиликдан иборат қишлоқ аҳли энди фақат пахта этиштириш, галла экиш билангина чекланиб қолмайди. Улар энди саноатни ривожлантириш, сервис хизматини кўнгилдагидек йўлга қўйишга интилишмоқда.

Қишлоғимизда пойабзал устaxonаси, интернет кафе ва пайнет, автомобильларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, ошхона, сартарошхона, мини маркет, хўжалиқ моллари дўкони, дорихона, ветаптека ва ҳаммом қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бунинг натижасида 31 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Қисқа вақтда маҳалла ҳудудида 12 иссохона барпо этилди.

Ҳудудимизда 20 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд оила мавжуд. Ногиронлиги бўлган инсонлар 73 нафар. «Обод қишлоқ» дастури амалга ошириш доирасида ана шундай эҳтиёжманд оилаларга биринчи гада ёрдам қўли чўзиляпти.

Бугунги қишлоғимиз кеч-агисига ўхшайди. Эрта-индин эса у яна ҳам чиroy омади. Чунки жонажон гўшамизда бошланган бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Каттакўрғонда ана шундай ҳавас қиларли даражадаги ишлар амалга оширилмоқда. Кўпни кўрган оқсоқоллар қимматли маслаҳатларини дариг тутишмаяпти. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси туман бўлиmlари ва бошқа нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлар, ёшлар ташкилоти кўпгина муаммоларга биргаликда ечим излашляпти.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жиноят содир бўлди!..



«Қорадори-2018» тадбири: фуқаролар 6 кўдан зиёд «марихуана» олинди

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида 2018 йил 16 сентябрь кунин вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўтказилган «Қорадори-2018» кенг қамровли тадбири давомида Олмалик шаҳрида яшовчи Н.Н. қўлга олинган 6 к. 453 гр. «марихуана» гиёҳвандлик моддаси топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

Ҳўлат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Йўловчи ва ҳайдовчининг ўзаро жанжалли оқибатида...

Андижон вилоятининг Шахрихон тумани «Қорақўрға» МФЙда яшовчи А.А. таниши О.А. бошқарувидаги «Кобальт» русумли автомашинада йўловчи сифатида келтирилганда улар ўртасида ўзаро жанжал чиқиб, А.А. ҳайдовчига пичоқ билан жараҳат етказди. Натижада О.А. касалхонага ётқизилиб, А.А. қўлга олинган.

Ҳўлат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Маҳалладошини уриб, жараҳатлади

2018 йилнинг 17 сентябрь кунин Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи Ф.Қ. «Навбуру» МФЙ ҳудудида жойлашган фермер хўжалиги дала майдонида ўзаро жанжал оқибатида маҳалладоши Б.Ч.нинг қорнига темир қозик билан уриб жараҳат етказган.

Натижада Б.Ч. касалхонага ётқизилган, Ф.Қ. қўлга олинган.

Ҳўлат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Писта ёғи учун берилган 43 500 АҚШ доллари...

Яқинда Серғели туман ИИБга тушган хўжатларда, шу йил 12 майдан 12 июнча бўлган вақт оралиғида фуқаро Б.К. Жўнарқ маҳалласида яшовчи фуқаролар А.И. ва Б.Л.ларга 1 литр писта ёғини 1,08 АҚШ долларидан олиб беришини айтиб, алдов йўли билан улардан жами 43 500 АҚШ доллари олинган ва пулларни ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган. Қўрилган чоралар натижасида Б.К. қўлга олинган.

Ҳўлат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Автомашина олди-соттисидagi фибригарлик

Шу йил 31 июль кунин Тошкент шаҳрининг Серғели туман ИИБга тушган хўжатларга кўра, 2017 йил 17 декабрь кунин Олмазор туманида яшовчи Қ.С. Янги Серғели кўчасида жойлашган автомашина бозорига фуқаро С.Д.га тегишли «Нексия» русумли автомашинани Тошкент вилояти Олмалик шаҳрида яшовчи Д.Э.га сотишини ва автомашинани бир неча кун ичида расмийлаштириб беришини айтиб, алдов йўли билан ундан 6 050 АҚШ доллари олиб, берган ваъдасини бажармай пулларни ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганлиги кўрсатилган.

Ҳўлат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, қўрилган чоралар натижасида Қ.С. қўлга олинган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Пора бермоқчи бўлиб қўлга тушди

16 сентябрь кунин Сурхондарё вилояти Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими ходими ўз раҳбарига берган ахборотида Термиз темир йўл алоқа корхонасига тегишли бўлган турли русумли автоуловларга белгиланган метр-ёрдан ортиқ ёқилги сарфланганлиги учун автомашиналар йўл ўлчамга мослама-ларини фотосуратга тушириб олгани ва ушбу фотосуратларни ўчириб ташлаш эвазига шу корхона механиги Й.Б. унга 150 АҚШ долларини пора сифатида тақлиф этаётганлигини маълум қилган.

Мазкур ахборот юзасидан 16 сентябрь кунин ўтказилган тезкор тадбир натижасида фуқаро Й.Б. ички ишлар ходимига 150 АҚШ долларини пора сифатида бераётган вақтида ушланган.

Ҳўлат юзасидан прокуратура жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТўРАХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ходими.

СПОРТ

ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИ КУЗАТИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Жорий йилнинг 6-13 октябрь кўнлари Индонезияда III Параолимпия уйинлари ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида энг кўп — 54 спортчи билан иштирок этади.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясида Ўзбекистон делегациясини Параолимпия уйинларига расмий кузатиш маросими ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Паралимпия ассоциацияси раҳбарлари, мураббийлар ва спортчилар иштирок этади.

Миллий олимпия қўмитаси раиси Умид Аҳмаджонов Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз спортда катта ўзгаришлар бўлгани, бунинг самарасида 18 август — 2 сентябрь кўнлари Индонезияда ўтган VIII Осиё уйинларида спортчиларимиз юксак марраларни забт этганини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимиз паралимпиячилари халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келётганини эътироф этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи терма жамоасимиз аъзоси Хусниддин Норбековга тантанали равишда топширилди.

Эслатиб ўтамиз, паралимпиячиларимиз Параолимпия уйинларида пауэрлифтинг, дзюдо, ўқ отиш, сузиш ва енгил атлетика каби спорт турлари буйича баҳсларда иштирок этади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:
















- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI
MUASSIS:
Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruksati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6736 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 01:12.
Topshirilgan vaqti — 02:30.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Ilhom BOLTAYEV

ISSN 2030-7633

Гавтанинг электрон савдифрасида Ушбу учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 6